

Олий ўқув юртида гуруҳ мураббийларининг касбий махоратлари ва хизмат вазифалари.

Х.Қаршибоев профессор. Б.Қурбонов доцент. Гулистон давлат университети.

Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган. Ўзбекистон республикасининг мустақилликка эришиши таълим муассасаларининг олдида янги демократик давлатнинг фуқораларини шакллантириш вазифасини қўйди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастур” да “кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсоний интелектуал ва маънавий – ахлоқий жихатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни такомиллаштиришнинг назарда тутади” деб таъкидланади.

Президентимиз И.Каримовнинг “Баркамол авлод- Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори”асарида барча соҳадаги тарбиявий фаолиятни тубдан ўзгартириш.тарбиявий ишлар методи,шакли ва мазмунига педагогик технологияларни киритиш,изчил тарбия беришнинг самарали йўлларини яратиш зарурлиги белгилаб берилган.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, педагогик касб эгаларига зарур бўлган шахсий хислатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бошқаларни тушинтириш қобилияти билан боғлиқ бўлган хислатлар;
- бошқаларга таъсир ўткази олишга доир хислатлар;
- бошқаларга(талабаларга)ўрнат бўла оладиган хислатлар.

2 Ўқитувчи мураббийнинг шахсий хислатлари: касбий маҳорати,урух мураббийси сифатидаги хизмат вазифалари ҳамда талабаларнинг тарбияси ва фаоллиги билан аниқланади.

1. Гуруҳ мураббийининг касбий маҳоратлари:

1.1. Мураббийнинг ташкилотчи сифатидаги фаолияти билан боғлиқ маҳоратлари:

- талабаларни шахсий хусусиятлари ва қизиқишларига мос ҳолда фаолиятга жалб қилиш;
- турли ишларни белгиланган муддатда бажариш бўйича оқилона тақсимлаш;
- турли рағбатлантирувчи ва педагогик усуллардан фойдаланиб,талабаларни жамоа ишларида қатнашишларига қизиқтириш ва фаолликларини ошириш.

1.2. Педагогик таъсир иметоди билан боғлиқ маҳоратлар:

- мусобақа, талаб, рағбатлантириш, жазо, ишонтириш усулларида фойдаланиш;
- талабалар билан яққам яққам иш олиб бориш;
- талабаларга наъмуна бўлиш,ташқи кўркемлик,ихчамлик;
- сўз ва иш бирлиги,жавобгарлик,пухталик.

1.3.Амалий маҳоратлар:

- гуруҳ бурчаклари ва кўркемларни ташкил қила олиш;
- жисмоний ўйинлар,саёҳатлар уюштириш;
- байрамларни ўтказиш;
- биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиш ва.х.к.

1.4. Гуруҳ раҳбари сифатида фаолияти:

- талабаларининг аниқ вазифаларини белгилаш;
- касбий маҳорат даражасини мустақил равишда такомиллаштириш,ўз устида ишлаш;
- Аниқ тадбирларни белгилаш ва ўтказиш режасини ишлаб чиқиш
- Бажарилган ишларни талил қилиш;
- Ўз-ўзини асосли баҳолаш, ишнинг янги истиқболларни кўра олиш;

2. Мураббийнинг хизмат вазифалари, гуруҳ.

Гуруҳ мураббийнинг хизмат вазифалари улар фаолият кўрсатаётган таълим муассасасининг йўналишига, хусусиятига, имкониятига, шароитига, талабаларнинг савияси ва тарбияланганлик даражасига ҳамда уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, педагогик маҳоратига асосланган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир гуруҳда тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- Талабалар шахсини ўрганиш;
- Гуруҳда тарбиявий жараён ва ўзаро муносабатларни таҳлил этиш, мувофиқлаштириш ва яхшилаш;
- Гуруҳ тадбирларини ривожлантириш ва ўтказиш, ахборот ва мулоқат соатларини ўтказиш;
- Зарурият туғилганда гуруҳ ота-оналар билан учрашув ўтказиш;
- Гуруҳда ўз-ўзини бошқариш фаолиятини педагогик тақдироти;
- Гуруҳ журналин (ўқув жараёни ва мураббийлик) расмийлаштириш ва назорат қилиш.

Гуруҳ мураббийси ушбу вазифаларни амалга ошириш мобайнида:

1. Ўқув йили бошида:

- Гуруҳ журналин расмийлаштиради;
- Талабалар билан ҳамкорликда гуруҳ иш режасини тузади.

2. Ҳар кун:

- Дарсга қатнашмаган талабаларни дарсга қатнашмаслик сабаби билан қизиқади;
- Гуруҳда ўз-ўзини бошқариш органларига педагогик ёрдам кўрсатади;
- Гуруҳдаги навбатчиликни ва талабаларнинг ташқи кўринишини, ободонлаштириш ва хона тозаллигини назорат қилади;

3. Ҳар ҳафтада:

Гуруҳдаги журналларни расмийлаштиришни ҳамда маҳорат ва мулоқат соатларини ўтказишда унда талабалар иштирокини таъминлайди.

4. Ҳар ойда:

Талабаларни турли тадбирларда иштирокини таъминлайди.

- ўқув хонасини ва ажратилган ҳудудни тозаллигини ташкил этади.

5. семестр давомида:

Ўқув хонасини ҳолатини назорат қилади:

- зарурат туғилса ота-оналар йиғилишини ўтказиш;

6. семестр охирида:

- семестрдаги ўқув натижалари ва гуруҳ талабалари фаолияти таҳлил қилинади ва семестрга яқун ясалади.

7. ўқув йили давомида:

- гуруҳнинг йил бўйича агарлигини якуний натижалари таҳлил қилиниб, эълон қилинади;
- ўқув хонаси таъмирланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ” таълим тўғрисидаги қонунда ” да “кадрлар тайёрлаш миллий дастури ” да ва ”мудофатўғриси”даги қонунда ёш авлод онгида Ватанга мухаббат, садоқат инсонпарварлик, ростгўйлик ва ҳалолик, мардлик ва жасурлик, Ватанни ҳимоя қилиш ва унга эътиқод, миллий ғурур ва инсонийлик туйғуларни шакллантириш, тарбиялаш вазифаси сифатида алоҳида таъкидланган.

Ушбу вазифаларни амалга оширишнинг ўзига хос педагогик оминлари ав воситалари буюк давлатни барпо этишда, ёшларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қуйида Ватанга мухаббат ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришга қаратилган тадбирларнинг тахминий режасини келтирамиз.

Биринчи босқич талабалари учун.

№	Тадбирлар.	Муддат.	Масъул.	Натижа.
1	“Келинг танишайлик” “Бизнинг факультет” мавзуларида факультет анъаналари билан таништирувчи тадбир.	09	Декан, кафедра мудири, гуруҳ мураббийси.	Факультетга, йўналишга меҳр–мухаббат уйғотади
2	Ватаним тарихи, қахрамонлари, илм-фандаргохлари, Гулистон, Сирдарё вилояти макази мавзуларида тадбир ўтказиш	Йил давомида ҳар ойда бир марта	Декан, кафедра мудири, гуруҳ мураббийси.	Таълим олаётган университетга, Гулистон шаҳарига, вилоятга ҳурмат уйғотади
3	“Мен бугун ва эртага” мавзусида баҳс мунозора	Ўқув йилининг 2 ярим 9	Гуруҳ мураббийси.	Ўзини келажакнинг аниқлашга ёрдам беради
4	“Сен юртинг равнақи учун нима қилдинг?” мавзусида суҳбат	Ўқув йилининг 2 яримида	Гуруҳ мураббийси.	Ўз фаолиятини таҳлил этишга ўргатади
5	“Мен ва жамoa” мунозора.	10-	Гуруҳ мураббийси.	Ждмоа ўз ўрнини топишга ёрдам беради
6	Бахслар: “Бепул нарсанинг баҳоси қанча?” “Сен қандай ўқияпсан ва яшаяпсан?” мавзуларида	Йил давомида	Гуруҳ мураббийси ва фаол талаба.	Ўқув даргоҳига бўлган муносабатни аниқлашга ёрдам беради
7	“Мен танлаган касб” мавзусида мунозора.	Доим	Гуруҳ мураббийси.	Касбнинг келажак ва унинг жамиятдаги тутган ўрни ва ахамияти аниқланади
8	“Ахбарот ва мулоқат соатларини ўтказиш”	Ҳар ҳафта	Гуруҳ мураббийси	Давлат сиёсати ва дунё вакиллари тушунишга ўргатади

Таянч босқич талабалари учун(2-3курс)

1	Давлат раҳбарлари ва олий мажлис депутатлари билан учрашув	Йил давомида 2 марта	Ректорат деканат кафедра мудири гуруҳ мураббийи	Хукумат фаолияти билан танишишорқали унга ўз муносабатини билдиришга ўргатади
2	“Аждодларимиз мероси – қадриятларимиз асоси” мавзусида учрашув	Йилда 4 марта	Гуруҳ мураббийси	Миллий қадриятларимизни уқур англашни ўргатади.
3	“Оилани содиқ фарзанди “мулоқат,мушоира	Режа асосида	Гуруҳ мураббийси	Очиқ мулоқатда оилага ва ватанга содиқлик туйғулари ривожлантирилади.

Талабаликнинг етук даври (4-курс)

№	Тадбирлар	муддат	Масъул	Натижа
1	“Ўзбекистон фарзанди шундай йўл тутди” мавзусида очик мулоқат.	Йил давомида.	Гуруҳ мураббийси.	Мутахассис сифатида ўз йўлини танлаш шу орқали ватанига зарурлигини англашга ёрдам беради.
2	“Мен-Оила -Ватан” мавзусида мулоқат.	Март апрел.	Гуруҳ мураббийси.	Ўзининг оиладаги ва жамиятдаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради.
3	“Касбим –фахрим ” тантанали йиғилиш,бадий кеча.	Июнь.	Гуруҳ мураббийи, кафедра мудири	Ўз касбидан фахрланиш,мустақ ил ҳаёт маъсулиятини ҳис қилишни шакллантиради.